

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Бошқарув Раиси**

**ўринбосари**

**С.Т.Калдибаев**

**2021 й.**



**Тест синовларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш**

**учун танлов ўтказиш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

## **“ТУРОНБАНК” АТБ ГА ИШГА КИРМОҚЧИ БЎЛГАНЛАРНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ БИЛИМЛАРИНИ ДОИМИЙ РАВИШДА ТЕКШИРИБ БОРУВЧИ АХБОРОТ ТИЗИМИ**

Ушбу ахборот тизими банкка ишга кирмоқчи бўлган талабгорларни фундаментал билимларини текшириш учун ишлаб чиқилади. Ахборот тизимида талабгорларнинг математикани билиш даражаси, танқидий ва мантиқий фикрлаш даражасини доимий равишда баҳолаб бориш билан бирга уларнинг инглиз тилини билиш даражасини баҳолаб бериши лозим.

Ахборот тизимида ишлаб чиқилган саволларнинг махфийлиги таъминланиши билан бирга саволлар базаси доимий равишда янгиланиб бориши лозим.

Бу ахборот тизими бўлажак банк ходимининг математика, мантиқий ва танқидий фикрлаш ҳамда инглиз тилини билиш даражаларини аниқлаш жараёнини шаффофлаштириш учун мўлжаллаб ишлаб чиқилиши лозим.

Ахборот тизими масофавий таълим портали кўринишида ишлаб чиқилиши, ахборот тизими Интернет тармоғида узлуксиз фаолият олиб бориши лозим. Бу эса республикамизнинг ихтиёрий чеккасидан туриб мурожаат қилиш имконияти бўлиши билан бирга ўша жойни ўзидан тест синовларини олиб бориш имкони бўлиши талаб этилади.

Ишлаб чиқиладиган тизимда админ, бўлим бошлиғи ва номзодлар каби ҳар хил типдаги фойдаланувчилар роллар ишлаб чиқилиши лозим.

Масофавий таълим портали ишлаб чиқилганидан сўнг ундан фойдаланиш бўйича бўлим бошлиғи ва номзодлар учун йўриқнома видеоматериаллари шаклида ишлаб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари ахборот тизимида банк ходимлари ўртасида ҳар онлайн мусобақаларни бир вақтда ўтказиш имкони бўлиши талаб этилади.

Тизим кроссплатформали тизимда, бир вақтнинг ўзиде камиде 100 та фойдаланувчини юкламасида ишлай оладиган ва келажакда ушбу тизимни кенгайтириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Танловда шундай тизимларни бошқа ташкилотларга татбиқ этган ва шунга ўхшаш тизимларни ишлаб чиққан ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Тизим дастурий таъминоти УП2 (PHP 7.2) фреймворк, маълумотлар базаси MySQL 5.2 да ишлаб чиқилиши лозим. Тизим фойдаланувчи интерфейси 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз) ишлаб чиқилиши лозим бўлиб, зарур ҳолларда тегишли маълумотларни API кўринишида маълумот алмашишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳар бир ҳаракат тизим журналига ёзилиб кетилиши таъминланиши орқали, фойдаланувчи фаолиятини кузатилиши лозим.

Етказиб бериш муддати 7 кун.

Танлов суммаси йилига 22 000 000 сўм